



XASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

2011 йил 25 август, пайшанба
34 (406)-сон,
E-mail: axborotXXlasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

БУЮК ВА МУЖАДДАССАН МУСТАҚИЛ ВАТАН!

УЛУГ
ШОДИЁНАГА
7
КУН ҚОЛДИ



Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ мулк ва мулкий муносабатларга бирламчи эътибор қаратилгани боис мамлакатда ўрта синф — мулкдорлар қатлами шаклланди. Айни пайтда иқтисодиётнинг таянч бўлинига айланган тадбиркорлар давлат ва жамият олдидagi масъулиятни ҳис этган ҳолда юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилмоқдалар.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилганини қайд этиш зарур. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Натижада сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 52,5 фоизга ўсди, ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизгача ошди. Аҳоли даромадларининг 47

фоиздан зиёди тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келди.

3 >>>

Устюрт газ-кимё мажмуаси — Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак 24 август куни Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар


Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли Ўзбекистоннинг бош майдони нафақат халқимиз фахру гурурига хос замонавий қиёфа касб этди, балки унинг юртимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳам юксалди. Тантанали маросимлар марказига айланган Мустақиллик майдони тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларининг хуш кўрадиган масканидир.

Корея Республикаси Президенти халқимизга хурмат-эътиромини изҳор этиб, хур-

риятимиз, порлоқ истиқболимиз, эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Ли Мён Бак бу майдон муҳташам бинолари, кўркам боғлари, гўзал фавворалари билан яхлит ансамбль ҳосил қилганини таъкидлади. Олий мартабали меҳмон бу ерда яратилган меъморий асарлар табиатнинг гўзал инъомлари билан моҳирона уйғунлаштирилгани ўзида катта таассурот қолдирганини алоҳида қайд этди. Шу куни "Ўзэкспомарказ"да Ўзбекистон-Жанубий Ко-

рея сармоявий ҳамкорлигининг энг йирик ва истиқболли лойиҳаси ижроси — Сурғил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлди. Президент Ислон Каримов ушбу улкан лойиҳанинг амалга оширилиши муҳим тарихий воқеа эканини, айниқса, қурилиш ишлари Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида бошланаётгани унинг аҳамиятини янада оширишини таъкидлади.

3 >>>



Ришоднинг муносиб совғаси

Юртошимиз Ришод Собиров Францияда дзюдо бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин медални кўлга киритиб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига муносиб совға тақдим этди. 120 дан ортик мамлакат дзюдочилари иштирок этган нуфузли турнирда 60 кг. вазнда қатнашган Ришод шу тариқа ўтган йили кўлга киритган чемпионлик унвонини ўзида сақлаб қолди. Айни пайтда ўз вазн тоифасида Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингининг энг юқори погонасини эгаллаб тургани боис, Париждаги беллашувларга иккинчи босқичдан қўшилган спортчимиз финалга қадар Швейцария, Буркина-Фасо, Бразилия, Озарбойжон ва Жанубий Корея вакиллари билан доғда қолдири. Хал қилувчи баҳсда эса азалий рақиб — япониялик Хироаки Хироакадан устун келиб, мағлубиятсиз учрашувлар сериясини 18 ойга етказишга, шунингдек, келаси йил Лондон Олимпиадасида қатнашиш ҳуқуқини берадиган муҳим очколарни кўлга киритишга муваффақ бўлди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги нишонланиши муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида: 2011 йил 27 август шан-

ба ва 28 август якшанба дам олиш кунлари 29 август душанба ва 30 август сешанба кунларига кўчирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2011 йил 24 август

И.КАРИМОВ

2011 йил 27 август шанба ва 28 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги халқаро миқёсда эътироф этилди

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболларини "барқарор" деб қайта тасдиқлади

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар юртимиз иқтисодий қудратини юксалтириш, ўз навбатида, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, улар фаолиятини халқаро стандартлар даражасига

олиб чиқишда мустаҳкам замин бўлмоқда. Бу борада Ўзбекистон эришаётган натижалар нуфузли халқаро молия институтлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жорий йил 22 август куни "Мудис" халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон банк тизимининг "барқарор" даражадаги рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди.

агентлиги берган шарҳга кўра, Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан амалга оширилётган кенг қўламадаги инвестиция дастурлари ва яратилган қулай макроиқтисодий шарт-шароит банк тизимининг ликвидлик кўрсаткичлари келгуси 12-18 ой мобайнида ҳам барқарор даражада сақланишини таъминлайди.

"Мудис" халқаро рейтинг

6 >>>

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати олтинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси эртага — 2011 йил 26 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2011 йил 25 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI 2011 YIL 23 AVGUSTDAN BO'SHLAB VALYUTA OPERATSIYALARI B'YICHА BUXGALTERIЯ HISOBI, statistik va bo'shqa hisobotlarni yuritish, shuningdek, bo'shona va bo'shqa majburiy tulo'vlar uchun xorijiy valyotalarining sum'ga nisbatan kuyidagi qiyamati'ni belgilaydi:

1 Avstraliya dollari	▲ 1804,37
1 Angliya funti sterlinigi	▲ 2858,04
1 Daniya kronasi	▲ 334,60
1 BAA dirhami	▲ 472,18

1 AQSH dollari	▲ 1734,14
1 Misyer funti	▲ 290,84
1 Islandiya kronasi	▲ 15,23
1 Kanada dollari	▲ 1755,61

1 Xitoy yuani	▲ 271,15
1 Malayziya ringiti	▲ 883,30
1 Polsha zlotiyisi	▼ 595,68
1 SDR	▲ 2787,06

1 Turkiya lirasi	▼ 973,58
1 Shveysariya franki	▲ 2206,85
1 EBPO	▲ 2490,36
1 Janubiy Koreya voni	▼ 16,01

1 Yaponiya yenasi	▲ 226,01
1 Rossiya rubli	▲ 59,24
1 Ukraina grivnasi	▲ 217,56

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш учун янада қулай бизнес-муҳитни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилинди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби сезиларли даражада соддалаштирилди ҳамда бу жараёнда очиклик касб этди. Рўйхатга олиш учун давлат божи ставкаси икки баробарга қисқартирилди. Ишчиларнинг йиллик ўртача сони 100 кишигача кўпайтирилган кичик корхоналар шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхати сезиларли даражада кенгайтирилди. Кичик бизнес субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг миқдосда жалб қилиш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Давлат ва назорат идораларининг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича чоралар қабул қилинди. Янги ташкил қилинган кичик корхоналар ва микрофирмаларни режали солиқ текширувларидан озод этиш мuddати икки йилдан уч йилга узайтирилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларида уч йил давомида солиқ текширувларини ўтказиш тақиқланди.

Тижорат банкларини капиталлашув даражаси ошмоқда, кичик бизнес субъектларини, айниқса, уларнинг юқори технологик ускуналар харид қилиши учун имтиёзли кредитлаш механизми такомиллаштирилди.

Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишига тўққинлик қилаётган, тадбиркорлик фаолиятини эркинлигини чеклаётган бир қатор муаммолар ҳал этилмай қолмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг давлат, солиқ ва назорат идоралари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларини аниқ белгилаб берадиган маъмурий регламент тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Очқилги таъминланмаган кўплаб рўхсат бериш тартиблари ҳамон сақланиб қолмоқда. Назорат идораларининг тадбиркорлик субъектларини фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳолатлари учрамоқда. Кичик бизнес маҳсулотларини худудий ва жаҳон бозорларига олиб чиқиш бўйича амалий механизм яратилмаган.

1. Қуйидагилар Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг муҳим вазифалари деб ҳисоблансин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва говларга барҳам бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли руҳсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш;

тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмининг уларни электрон тизим бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмининг янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилишга ва технология янгилашга йўналтириладиган узоқ мuddатли кредитлар ҳажминини кўпайтириш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш.

2. Белгилансинки, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинади, яъни, унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бар-тараф этиб бўлмайдиган барча заҳидиялар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йилнинг 1 январидан саноат соҳасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга камайтирилади.

4. 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мuddатларини бузганлик учун пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилади;

юридик шахслар текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқига эга.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда барча кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини 2014 йилнинг охиригача солиқ ва молиявий ҳисоботларни топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказишни таъминласин.

6. Марказий банк, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан банк фаолиятининг янада очиклигини ошириш ва либераллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифларни қабул қилинсин: 2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисоб рақами очганлик учун тўлов ундиришни бекор қилиш;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг келишилган ҳажмда кредитлар ажратилиши ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш мuddатини уч банк кунидан ошмайдиган мuddат билан чеклаш;

хўжалик субъектлари томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизматлар) учун корпоратив пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш тўлов терминаллари чекларини билрамчи бухгалтерлик ҳужжатларига тенглаштириш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банк муассасаларига энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдорида бўлган нақд пул тушумини мустақил топшириш ҳуқуқини бериш.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда амалдаги қонун ҳужжатларига уларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципини белгилашни кўзда тутувчи ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида

тақлифларни пухта ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тақдим этсин.

8. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Марказсаноатэкспорт» давлат акциядорлик ташқи савдо компанияси қошида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича «Ўзтадбиркорэкспорт» иختисослаштирилган ташқи савдо компаниясини ташкил этиш ва 2011 йилнинг охиригача республика худудларида унинг аҳолиларини очиб тўғрисидаги тақлифи қабул қилинсин.

10. Хўжалик субъектлари ўрнатилган технологик ускуналарга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича республика худудига олиб келинадиган эҳтиёт ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январигача божхона тўловларини (божхона расмилаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан озод этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин:

юридик шахслар учун солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш билан боғлиқ бўлмаган санкцияларни бекор қилиш, яъни пайтда такрорий қонунбузарликка йўл қўйган хўжалик субъектларининг мансабдор шахсларининг маъмурий жавобгарлигини икки баробарга ошириш;

божхона назорати мuddатини уч йил билан чеклаш, шунингдек, товарлар божхона назоратидан ўтказилгандан бир йил кейин, божхона тўловларини қўшимча ҳисоблашни тақиқлаш.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида тақлиф киритсин.

13. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
2011 йил 24 август

И.КАРИМОВ

Устюрт газ-кимё мажмуаси — Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги муваффақиятли ҳамкорликнинг яна бир ёрқин намунаси

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодий диверсификация ва модернизация қилиш, импорт ўрнини босувчи товарлар ҳамда юқори технологияли ва рақобатбардош экспортбўв маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва кенгайтириш борасида улкан муваффақиятларга эришди. Хусусан, нефть-газ соҳасида нафақат қазиб олиш ва экспорт қилиш ҳажмларини ошириш, яъни пайтда уларни қайта ишлашдан олинмаган маҳсулотлар улушини кўпайтиришга эришилди. Углеводород захираларини чуқур қайта ишлашга иختисослашган мажмуаларни барпо этишга қаратилган стратегия натижасида Ўзбекистонда илғор технологияларга асосланган нефть ва газ кимёси соҳасида шаклланди ва йил сайин ривожланиб бормоқда.

Ли Мён Бак Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида амалга оширилган энг йирик қўшма лойиҳа эканини, инжиниринг, ускуналар етказиб бериш, қурилиш ишларида Корея Республикасининг йирик компаниялари иштирок этаётганини таъкидлади. Бу ўзаро ишонч ва ҳамкорликдан манфаатдорликнинг ёрқин намунаси.

Устюрт газ-кимё мажмуаси ишга тушгач, йили

га 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши билан Қорақалпоғистонда МДХда ушбу соҳада энг йирик мажмуа қад ростлайди. Натижада Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг йирик саноат марказларидан бирига айланади. Айни пайтда Ўзбекистоннинг бошқа минтақаларида ҳам янги турдош ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, шу тариқа янги иш ўринларини сонини янада кўпайтириш имконияти юзага келади.

“Ўзэкспомарказ”даги тадбир иштирокчилари билан Устюртдаги Сурғил қонида қурилиш ишларини бошлаш маросимига йиғилган ишбилармон доиралар вакиллари ва мутахассислар ўртасида тўғридан-тўғри видеоларча ўрнатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси Муса Ерняязов ва Корея Республикаси газ корпорацияси президенти Чу Канг Су мажмуа қад ростлайдиган жойга ўрнатилган эсдалик тамал тоши устидан пардани туширдилар. Унга қуйидаги сўзлар билан: “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ташаббуси билан 2011 йил 24 август кунини Сурғил қони негизидеги Устюрт газ-кимё мажмуаси пойдеворига тамал тоши қўйилди”.

Корея Республикаси Президентининг таширфи ва мана шу тарихий воқеа Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги

нишонланадиган кунларга тўғри келганида ҳам чуқур маъно бор. Бу икки мамлакатнинг ўзаро ҳамкорликка муштарак интилишларини кўрсатиш баробарида, халқларимизнинг миллий-маънавий қадриятларига юксак ҳурмат-эътиборни ҳам намоён этади.

Корея Республикаси халқи ўтган аср ўрталарида замона заили билан Ўзбекистон худудига келиб қолган корейларга бу заминда кўрсатилган меҳр-эътиборни асло унутмайди. Улар бугун Ўзбекистоннинг барча фуқаролари сингари тинч ва фаровон ҳаёт кечириб, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ли Мён Бак ўз таширфи асосида Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейс миллиятига мансуб аҳоли вакиллари ва корейлик ишбилармонлар билан учрашди. Бу тадбир замирида ҳам халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат, меҳр ва ағлашув мужассамдир.

Ли Мён Бак давлат таширфининг якунлари хусусида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қўсаройда эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар, Сурғил қонида амалга оширилган бошланган улкан лойиҳа — буларнинг барчаси Ўзбекистон-Жанубий Корея ҳамкорлиги стратегик шериклик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бораётганидан яққол далолатлар. Ўзаро муносабатлар келгусида янада кўпайиб кўлам касб этиб бораверади, дейиш учун барча асослар етарли.

(ЎЗА)

Дўстона алоқаларнинг амалдаги ифодаси

— Жанубий Корея Республикаси Президентининг мамлакатимизга таширфи мустақиллигининг 20 йиллиги ва икки давлат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллиги арафасида уюштирилган жуда катта рамзий маънога эга, албатта



Барно АБДУЛЛАЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Айни пайтда Президентимиз Ислам Каримов тақлифига биноан Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат таширфи икки давлат ўртасида юзага келган му-

стаҳкам дўстона алоқаларнинг амалдаги исботи ҳамдир. Хусусан, мамлакатларимиз БМТ, бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Қайд этилганидек, глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича мамлакатларимиз нуктаи назари ва ёндашувлари аънавий тарзда ўхшаш ва яқиндир. Бу эса халқаро майдонда Ўзбекистон ва Корея томонидан билдирилган тақлиф ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун ҳам пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги манфаатли савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий

ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланаётганини ушбу давлатнинг «Неоплат», «Шиндонг Энерком», «Хайтекс», «Дэу Интернейшнл» компаниялари билан бирга қончиллик ҳамда тўқимачилик соҳасида бир қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Корея Республикаси Ўзбекистонни ўзининг дунёдаги ишончли шерикларидан бири, деб билади. Ушбу таширф мамлакатларимиз ўртасида қарор топган дўстона муносабатларини қўллаб-қувватлаш учун ҳам пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги манфаатли савдо-иқтисодий ҳамда сармоявий

Тенг ҳуқуқли муносабатлар янги босқичида

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг Ўзбекистонга давлат таширфи мамлакатларимиз ўртасида йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётган стратегик шериклик ва ҳамкорлик алоқаларининг мангилқи давоми бўлди, десак, хато қилмаймиз



Равшан АСКАРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси:

Бундан ташқари, ушбу таширфининг Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма йиллиги ҳамда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 20 йил ўтиши арафасида амалга оширилгани бежиз эмас.

Чунки ҳар икки томонни нафақат иқтисодий ҳамкорлик, балки йиллар давомида сигналган дўстлик ришталари ҳам боғлаб турибди.

Ҳақиқатан ҳам Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорлик бўйича бой тажриба тўпланган. Мазкур давлат мамлакатимизнинг энг йирик савло-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорлик бўйича таъжриба тўпланган. Мазкур давлат мамлакатимизнинг энг йирик савло-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорлик бўйича таъжриба тўпланган. Мазкур давлат мамлакатимизнинг энг йирик савло-иқтисодий ҳамда инвестицион ҳамкорлик бўйича таъжриба тўпланган.

Биз O'zLiDeP фракцияси вакиллари партияимизнинг Сайловолди дастуридан келиб чи-

қиб, Корея Республикасидан бундан буюн ҳам мамлакатимизга янги ишлаб чиқариш технологияларини олиб келиш, мавжудларини модернизация қилишни давом эттириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Таширф чоғида ҳар икки мамлакат раҳбарлари томонидан Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишига оид лойиҳанинг амалга оширилиши қўллаб-қувватлангани, ушбу бунёдкорлик ишига 2,6 млрд. доллардан ортиқ сармоя киритилиши ўзаро ҳамкорлигимизнинг келажаги янада қўлланган ҳисобини яна бир ёрқин кўриниши бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таширф кўп қиррали муносабатларни янада ривожлантириш жараёнида муҳим босқич, ҳамкорликнинг истиқболдаги устувор йўналешларини белгилаб олиш учун яна бир қулай имконият бўлди.

Фермерлик ҳаракати — қишлоқда ҳал қилувчи куч

Айни пайтда мамлакатимизда 66134 та фермер хўжалиги бўлиб, уларга 5,2 млн. гектар ер майдони бириктирилган. Жами пахта ҳосили, пилланинг 97, донли экинларнинг 84 фоизи улар томонидан ишлаб чиқарилаётгани мазкур соҳа иқтисодийнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айланганини кўрсатади

Ўз мухбиримиз

Бугун қишлоқ мулкдорларининг эркин фаолият юритишлари учун амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш билан бирга ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, соҳадаги долзарб масалаларнинг ечими билан боғлиқ лойиҳалар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ана шу мақсадларга 185,5 млрд. сўм миқдорда маблағ йўналтирилди. Деҳқон ва фермер хўжалиқларининг истиқболли лойиҳаларини рўйбга чиқариш, моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2011 йилнинг 18 август куни О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюشمаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаган «Фермерлик ҳаракати — қишлоқдаги ҳал қилувчи куч» мавзусидаги давра суҳбатига ана шу фикрлар тилга олинди.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан таклиф этилган фермерлар, тадбиркорлар ва партия фаоллари иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамоллигининг мустақиллик даврида амалга оширилган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар мамлакатимиз тарихида мутлақо янги саҳифаларни очди, жамиятимизнинг ижтимоий қиёфаси ва фуқароларимизнинг дунёқараши нимомила ўзгартирди.

Мустақилликнинг дастлабки кезлари, яъни 1991 йилдаёқ Президентимизнинг «Республика деҳқон (фермер) хўжалиқларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Республика деҳқон (фермер) хўжалиқларини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақидаги» қарори қабул қилиниб, республикада деҳқон (фермер) хўжалиқларини ташкил этишга асос солинган эди.

Давра суҳбати давомида 1991-1998 йилларда фермер хўжалиқларини ташкил этиш ва фаолият юритишнинг асосий меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилгани, «Фермер хўжалиқлари тўғрисида» ва «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ер кодексининг қабул қилинган фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга кенг йўл очиб бергани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, фермерлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий соҳаларида ҳам ўз

фаолликларини кўрсатётганлари, жумладан, 40 нафарга яқин Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси депутатлари бевосита фермерлардан сайланган бўлса, 10 дан ортиқ қишлоқ мулкдорлари «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлгани фермерлар меҳнати юқори баҳоланаётганидан далолат экани кайд этилди.

Давра суҳбатига фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва жадал ривожлантиришнинг кафолати экани алоҳида тилга олинди, бугун қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини янада такомиллаштириш учун бюджет маблағлари билан бир қаторда Жаҳон, Осмё, Ислон тараққиёт банклари, ОПЕК фонди ва бошқа халқаро молия институтлари сармояларидан кенг фойдаланилаётгани таъкидланди.

Шу асосда амалга оширилган ва ялпи қиймати 255 млн. АКШ доллари тенг бўлган 21 та лойиҳа доирасида 1637 та гидротехник иншоот, 500 км. узунликдаги сугориш тармоқлари ва хўжалиқларро коллекторлар таъмирланди, 1174 гектар ер майдони текисланган бўлса, замонавий сугориш техникаси хариб қилинди.

Хусусан, «Дренаж лойиҳаси» доирасида Жанубий Қорақалпоғистон магистрал коллектори қайта таъмирланган, 100 минг гектар сугориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Шу ҳисобдан йилига 2,6 млрд. сўм бюджет маблағлари тежалмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон 2011 йилда имтиёзли шартлар асосида қишлоқ хўжалиги учун молиявий ресурслар ажратилишига ихтисослашган Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасига (IFAD) аъзо бўлди. Бу эса қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги инвестициявий лойиҳаларни рўйбга чиқаришда қўшимча имкониятлар яратди. Яқин кунлар ичида мамлакатимизда жамғарма томонидан 50 йил муддатга бериладиган имтиёзли кредитлардан босқичма-босқич фойдаланиш режалаштирилмоқда. Ушбу маблағ асосан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, экинларни зараркунандалардан химоялашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мутахассислар маънавиятини ошириш, ўсим-

мизда жамғарма томонидан 50 йил муддатга бериладиган имтиёзли кредитлардан босқичма-босқич фойдаланиш режалаштирилмоқда. Ушбу маблағ асосан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда, экинларни зараркунандалардан химоялашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мутахассислар маънавиятини ошириш, ўсим-

мустақиллик йилларида 82 та қишлоқ хўжалиги техникаси патентланган ва 144 та модель такомиллаштирилган. «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида қуввати 30-150 от кучига эга бўлган универсал чопиқ ва транспорт тракторлари, плуглар, тупроқ мосламалари, механик ва пневматик сеялалар, тиркамалар ва бошқа хил-юқори самарали техни-

ладиган ер майдонлари 67 фоизга кўпайганини ҳам таъкидламоқдалар. Мева-сабзавот уруғчилигида асосан янги, ҳосилдор навлар қўлланилмоқда. Бу эса ўзининг қўтилган самараларини бераётганини қундалиқ ҳаётда кўриб турибмиз.

Тадбирда янги изланишлар, қўшимча имкониятлардан фойдаланиш, О'зЛиДеР электорати бўлган қишлоқ мулк-

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ДАСТЛАБКИ КЕЗЛАРИ, ЯЪНИ 1991 ЙИЛДАЁҚ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «РЕСПУБЛИКА ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ИШБИЛАРМОНЛИК FAOЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ФАРМОНИ ҲАМДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «РЕСПУБЛИКАДА ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, РЕСПУБЛИКАДА ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА АСОС СОЛИНГАН ЭДИ

ликларнинг янги навларини яратиш ва бошқа мақсадлар учун йўналтирилади. Юқоридаги мақсадларга эришиш учун ҳозирда қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қорхоналари, илмий-тадқиқот институтлари томонидан умумий қиймати 15 млн. долларга тенг миқдорда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадбир иштирокчилари қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан юксалтириш устувор вазифага айланганини ҳам таъкидладилар. Мана, бир неча йилдирки, қишлоқ хўжалигида модернизациялаш жараёнлари тобора такомиллаштирилмоқда. Кейинги беш йилда турли мақсадларга мўлжалланган 8 мингта трактор хариб қилинган. Аммо, очигини айтганда, фермерларга маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган техника воситалари кўпроқ маъқул келмоқда. Бунинг боиси уларнинг ҳар жиҳатдан қулайлигидир. Олимларимиз ва конструкторларимиз яқин ҳамкорлиги натижасида

ка воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Мана, бир неча йилдирки, мамлакатимизда селекция ва уруғчиликни, наслли чорвачиликни ривожлантиришга ҳам устувор аҳамият берилмоқда. Натижада экинларнинг самарали навлари ва чорва зотлари билан бойитишга, генотипни сақлаш жараёнини зарур даражага олиб чиқишга эришилди.

Қишлоқ хўжалигининг ғаллачилик ва пахтачилик каби йирик тармоқларида уруғларни тозалаш, дори билан ишлов бериш, навларга ажратиш, қадоқлаш ва сақлашга ихтисослашган махсус цехлар ҳам ташкил қилинди. Ҳозир фақат ғаллачиликдагина 46 та ана шундай цех фаолият кўрсатмоқда. Аҳамиятлиси, мустақиллик йилларида бугдўйнинг 27 та нави яратилган бўлса, яна 28 таси давлат синови босқичида турибди.

Мутахассислар сўнги йилларда мева-сабзавотчиликка бўлган эътибор кучайиб, фақат картошка етиштириш учун ажрати-

дорларининг фаоллик ва ташаббускорлиги ҳисобига эришилаётгани алоҳида таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, жойларда фермерлик ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш масалаларига ҳам жиҳдий эътибор қаратилди. Тадбиркор ва фермерларнинг манфаатларини химоялаш, эркин фаолият учун қулай муҳит яратиш жараёнида партия фаоллари ташаббускор бўлишлари лозим. Партиянинг ушбу йўналишдаги фаолияти яна бир қарра таҳлил этилиб, О'зЛиДеР тадбиркорларнинг, фермерларнинг том маънода иқтисодийнинг ҳал қилувчи кучига айлишини таъминлашга қаратилган дастурлари ва йирик лойиҳалари билан уларнинг самарали амалга оширилиши учун барча имкониятларни сафарбар этиши зарурлиги хусусида таклифлар билдирилди.

Давра суҳбати якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Қонунчилик замон талабларига мослаштирилмоқда

Истиқлол йилларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш ҳам ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Зеро, бу соҳа мамлакатни нафақат ахборотлашган жамиятга айлантириш, балки иқтисодийни жадал ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда

Шу ўринда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Президентимиз томонидан билдирилган «Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривожини бўйича жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш мақсадида ислохотлар олиб борилди.

Албатта, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлгани каби бу соҳада ҳам қонунчиликни босқичма-босқич такомиллаштиришнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Юртбошимизнинг

«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифалар асосида бир қатор қонун лойиҳалари тайёрланаётганининг боиси ҳам ана шунда. О'зЛиДеР фракцияси аъзолари «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим қонунлардан бири эканини таъкидламоқдалар.



Нуриддин МУРОТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизнинг илк даврлариданоқ сўз эркинлигини таъминлаш, ОАВни либераллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. 10 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши эса бу соҳани янада тараққий эттиришга хизмат қилди. Хусусан, 1999 йилда «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ахборот-коммуникация тизими, айни пайтда телекоммуникация тармоғининг жадал ривожланишига муҳим аҳамият касб этди. Натижада Ўзбекистон мобил алоқанинг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаган ўн та давлат қаторидан жой олди. Мамлакатимизда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 2000 йилдагига нисбатан 200 баробар ошди, ҳозирги кунда 19 миллионни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистонда собиқ иттифок ҳудудидан биринчилардан бўлиб рақамли ва хенг форматли телевидениега ўтиш бўйича кенг миқёсдаги дастур амалга оширилди бошлангич ҳам соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Аммо шунга қарамай, тармоқда ахборот технологияларининг тез юксалаётгани, замонавий телекоммуникация хизматларининг пайдо бўлиши ва таклиф этилаётган хизмат сифатининг ошиши, энг асосийси, соҳа субъектлари ўртасида ўзаро рақобат ва иқтисодий муносабатларни ташкил этиш тамойилларининг ўзгартаётгани соҳани тартибга солуви қонун лойиҳаларини янада такомиллаштириш талаб этмоқда. Президентимиз Концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари эса бу бордаги тараққиётни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш йўналишларини кўрсатиб бергани билан ҳам низоҳатда муҳим ҳужжат бўлди. Зеро, ушбу ҳужжатда сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этаётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мақсадида «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш зарурлиги белгиланган берилди. Шундан келиб чиқиб, қўмитамизга «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги янги қонун лойиҳаси киритилди. Мазкур жараёнда фаол иштирок этаётган О'зЛиДеР фракцияси аъзолари ахборот-коммуникация технологияларини тараққий эттириш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янада эркин фаолият юритишлари ва ривожланишга туртки берувчи асосий омиллардан бири эканига алоҳида эътибор қаратилмоқдалар. Мамлакатимизда телекоммуникациялар тармоқларининг ривожланиши, унинг халқаро телекоммуникация тармоғи билан интеграциялашуви ва шу йўл билан давлат органлари томонидан ташкилот ва фуқароларга тақдим этиладиган хизматлар сифатини, ахборотлардан фойдаланиш эркинлиги ва тезлигини ошириш учун шартлар яратишни кўзда тутаётган мазкур қонун шунинг учун ҳам партияимиз дастурларига тўла мос келади, деб ҳисоблайман.



Зилола СОБИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси:

— Янги қонун лойиҳаси давлат ва жамият қурилиши тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилгани ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Қонунда ўз ифодасини топган ҳуқуқий механизмлар асосида тармоқда хос бозор муносабатларини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Бу эса фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли таъминлаш, ахборотлаштириш ҳамда телекоммуникация тармоғини сифат жиҳатдан янада юксалтириш, алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатиш соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида интернет миллий сигментининг манзил-мақоми ва домен номларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи янги нормалар ҳам ўз ифодасини топган. Мазкур қонун телекоммуникациялар соҳасидаги ўлчов бирлиги аниқлигини таъминлаш ва техник воситаларнинг ишлаш сифатини оширишда низоҳатда қўлади. Шунингдек, лойиҳа интернетда миллий ахборот мақоми ривожлантириш ҳамда уни маъмурий бошқариш тартибларини аниқ белгилаш имконини ҳам яратади. Шу ўринда қонун лойиҳаси давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юридик шахслар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Айни пайтда қонун алоҳида телекоммуникация тармоқлари асосида тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш эркинлигини оширишда ҳам қатор қулайликлар яратади. Жумладан, ҳужжатга телекоммуникация тармоқлари, тармоқлараро улашларини ривожлантириш ва реконструкция қилишга қаратилган тегишли ўзгартишлар киритилмоқда, соҳада қўлланиладиган атама ва терминлар аниқлаштирилиб, янги тушунчаларга изоҳ берилмоқда. Шунингдек, телекоммуникация тармоқларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, узатиладиган ахборотнинг сир сақланишини янада такомиллаштириш мақсадида қонунга янги модда ҳам киритилапти. Бир сўз билан айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши телекоммуникация соҳасини янада ривожлантириш орқали юртимизнинг тараққий этган мамлакатлар сафидан жой олишини тезлаштиради.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР! «ARSH SAVDO — ELIT» МЧЖ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Аукцион савдосига «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ бошқарувининг 2011 йил 11 июндаги 15/10-сонли буйруғига ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Хўжабод филиалининг 2011 йил 10 июлдаги 16-сонли буйруғига ҳамда филиал бошқарувчисининг 2011 йил 16 августдаги 773/01-сонли алоқа хатига асосан Андижон вилояти Хўжабод туманида жойлашган «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ Хўжабод филиалига қарашли «Нексия донс» русумли давлат белгиси 60 633 JAA бўлган автотранспорт воситаси **11068 000 (Ўн бир миллион олтинчи саккиз миң)** сўм бошлангич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси **2011 йил 27 сентябр** куни соат **11.00** да, ушбу кунда аукцион савдоси бўлиб ўтмади, деб эътироф этилган тақдирда тақририй аукцион савдоси **2011 йил 28, 29, 30 сентябрь** кунлари соат 11.00да Андижон шаҳар, А.Навоий шох кўчаси 30-уй, 215-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 15% миқдорда гаров пулини ТИФ «Миллий банк» Андижон шаҳар бўлимининг **20208000904456131001** ҳисоб рақамига **МФО: 00074, ИНН: 205987298** тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар қабул қилиш эълон чоп этилган кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) ва аукцион савдоси ўтказилишидан 1 (бир) соат олдин 10.00га қадар Андижон шаҳар, А.Навоий кўчаси 30-уй, 215-хонада қабул қилинади.

Савдода қатнашиш учун жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар жамият Низоми ва таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, белгиланган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиши лозим.

Қўшимча маълумот учун манзилимиз:
Андижон шаҳар, А.Навоий шох кўчаси 30-уй, 215-хона
Тел: 8(374)606-88-81, 269-88-81, 700-88-81
Гувоҳнома №00126

Кўмита бюджет ижросини кўриб чиқди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасида Давлат бюджетининг 2011 йил биринчи ярмидаги ижроси яқунлари бўйича молия вазири ўринбосари Мубин Мирзаевнинг ахбороти эшитилди

Озод РАЖАБОВ,
«XXI ASR»



М.Мирзаевнинг таъкидлашича, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8 фоиз ўсиб, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади. Бу кўрсаткич саноат ишлаб чиқаришнинг 6,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,7 фоиз, чакана савдо айланмасининг 14,6 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг 12,6 фоиз кўпайиши ҳисобига таъминланди.



Кенгайтирилган тартибдаги йиғилишда алоҳида таъкидланганидек, жорий йилнинг ўтган олти ойида Давлат бюджетни даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,5 фоизни, харажатлари эса 24,1 фоизни ташкил этди ва 0,4 фоиз профицит билан ижро этилди. Харажатлар қисмида асосий эътибор унинг ижтимоий йўналтирилгани, яъни бюджетдан маблағ олувчилар иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалари ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштиришга, бюджет маблағлари газна ижросининг самарадорлигини таъминлашга қаратилгани қайд этилди.

Ил бошида Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан белгиланган берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг устувор йўналишлари доирасида таъминлаш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида 2011 йилнинг биринчи ярмида ҳам барқарор ва изчил ўсиш кузатилди. Жумладан, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ҳажми 8 фоизга ўсиб, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади. Бу кўрсаткич саноат ишлаб чиқаришнинг 6,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,7 фоиз, чакана савдо айланмасининг 14,6 фоиз ва хизмат кўрсатиш ҳажмининг 12,6 фоиз кўпайиши ҳисобига таъминланди. Айниқса, бу

жараёнда кимё ва нефтьгаз, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати юқори суръатлар билан ривожланди. Иқтисодий тармоқларнинг экспорт салоҳияти, кўшимча қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган чора-тадбирлар туфайли товарлар ва хизматлар экспорти 18,7 фоизга ўсиб, ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси таъминланди. Шу билан бирга ҳисобот даврида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланиши ва уларнинг ноқонуний ишлатилишига йўл қўйилдики, бундай ҳолатлар муҳокамаларда қатнашган депутатлар томонидан танқид қилинди.

— Бундай ҳолат жойларда «Бухгалтерия тўғрисида», «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги қонунлар талабларига риоя қилмаслик оқибатида руй бермоқда, — деди О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимов. — Бундан ташқари, бюджет интизомидаги камчиликлар хусусида сўз юритилганида, ҳар сафар соғлиқни сақлаш ва таълим тизими муассасалари тилга олинаётгани афсусланарли ҳолатдир. Бу эса соҳа мутасаддиларининг ана шу масалаларга етарлича эътибор қаратмаётганларидан далолат беради.

Халқ таълими вазирининг ўринбосари Абдуғани Холбековнинг айтишича, бунинг асосий сабаби мактаб директорлари ва бухгалтерларнинг иқтисодий-ҳуқуқий биллими талаб даражасида эмаслигидир. Шунинг учун ҳам вазирилик томонидан ишлаб чиқилган режага мувофиқ, уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилмоқда. О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Фулом Омонкулов эса баъзи вилоятлар маҳаллий бюджетдаги даромадлар харажатларига қўшимча маблағларни қопламаслигининг сабаби билан қизиқди. Мубин Мирзаевнинг таъкидлашича, айни кунда Молия вазириликда тегишли идораларнинг мутахассислари иштирокида ташкил этилган маҳсулотларнинг ҳажми ва сифати бўйича имкониятлар атрофида ўрганилмоқда. Ийгилишда, шунинг-

дек, Молия вазирилик ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси Бош директори Асилбек Юсуповнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш хусусидаги ахбороти ҳам тингланди. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ҳамда «2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тўғрисида»ги Давлат дастурининг 2011 йил биринчи ярмидаги ижросига қаратилди. Мажлиса билдирилган тақдирлар асосида кўмитани тегишли қарор қабул қилинди.

Бунда бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 2010 йилда қабул қилинган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Ана шу муҳим қонун ижросини таъминлаш юзасидан вилоятимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кўчмас мулк бозорига риэлторлик хизматининг жорий этилиши буюртмачилар учун бир қатор қўлайликлар яратди. Масалан, яқин яқинларга брокерларга буюртмачилар савдо битими билан боғлиқ тегишли ҳужжат ва маълумотларни ўзлари тақдим этган бўлса, янги тартибга кўра, кўчмас мулк савдосидан аввал риэлторлар тегишли орган ва ташкилотлардан битим предметига оид зарур маълумотларни талаб қилиб олишга, шунингдек, кўчмас мулк объектлари рек-

Риэлторлик фаолияти такомиллашмоқда

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда кўчмас мулк бозори изчил ривожланиб, хизмат сифати ва маданияти юксалмоқда

Кахрамон АЛИБЕВ,
Республика «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиали раҳбари

ламасини йўлга қўйиш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бошқа имкониятларга ҳам эга бўлдилар. Бир сўз билан айтганда, буюртмачиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун йўли билан тартибга солинди.

Бу кўчмас мулк бозорига риэлторлик хизматини янада такомиллаштириш, хусусан, кўчмас мулкларнинг аукцион савдоларини ташкил этиш имкониятларини кенгайтирди. Айни кунгача буюртмачиларнинг хоҳиш-истакларига мувофиқ ўнга яқин мулк аукцион савдосига чиқарилди. Уларнинг бошланғич баҳоси қарийб икки миллиард сўмни ташкил этди. Ушбу мулк субъектлари орасида Қизилқум туманидаги «4-механизацияланган кўчма жамланма» корхонаси, Қумқўрғон туманидаги «Шерободсувқурилиш» акциядорлик жамияти, Термиз шаҳрида жойлашган «1-хўжалик хисобидаги участкаси» масъулияти чекланган жамияти ва банкрот бўлган бошқа корхона, ташкилотларнинг мулклар бор.

Яна шунинг айтиши керакки, филиалимиз мижозлар билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, мулкларнинг олди-сотдосини амалга ошириш ҳуқуқига ҳам эга. Савдосининг ушбу турида риэлтор

буюртмачининг мулкига харидор топган, икки томонлама битим тузишда иштирок этади ва кўчмас мулк шартномасини қонун доирасида тасдиқлаб беради. Бу, шубҳасиз, олди-сотди жараёнидаги муҳим янгиликлардан биридир.

Юқорида тилга олинган қонуннинг ўзини моддасига мувофиқ, риэлторга кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғида востанчилик қилиш ваколати ҳам берилган. Яъни, кўчмас мулкнинг олди-сотдоси, ижараси, гарови, айирбошланиши, ҳада этилиши, рентаси, кўчмас мулкдан текин фойдаланиш, уй-ҳўра ёки квартирани бошқа шахсга бериш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш чоғида тегишли тартибда риэлторлик хизмати тақдим этилади. Ушбу жараёнда ижтимоий адолат ва холислик асосий мезон бўлиши лозим, албатта.

Умуман, янги қонун кундалик ҳаётда ўз афзаллигини тўла намойён этмоқда. Кўчмас мулк бозорини тартибга солиш, жисмоний ва юридик шахсларга юқори сифатли риэлторлик хизматлари кўрсатиш учун кенг йўл очилди. Бу эса мулкнинг муносабатларни такомиллаштиришда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётир.



корлик йили" Давлат дастурини амалга оширишдаги иштироки", "Оилавий бизнес — фаровонлик гарови", "Кичик бизнес — катта имкониятлар" мавзуларида маърузалар ҳам тингланди.

Таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийнинг тез ўзгариб турадиган, бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Сўзга чиққанлар юртимизда ишбилармонлар учун яратилган шарт-шароитлар, айниқса, тадбиркор аёлларга берилаётган имтиёزلарга тўхталиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилларида амалга оширилган ишлар бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

АНДИЖОН. Маълумки, ҳар қандай қонун ёки қарор ижроси билан кучлидир. О'зЛиДеР Пахтаобод туман кенгашида бўлиб ўтган партия депутатлик гуруҳи йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг "Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирishга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, бу йўналишда туманда муайян ишлар амалга оширилган. Хусусан, айни кунда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 38 та кичик корхона, 36 та чорвачилик фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Туман марказида "Марказий дехкон бозори" мавжуд бўлиб, бу ердан тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни харид қилиш мумкин. Тумандаги 4 та балиқчилик, 1 та асаларчилик ҳамда 6 та паррандачилик фермер хўжалиқлари ҳам аҳоли дастурхонига қўн-барак қиритаётир.

Йиғилишда юқоридаги қарор ижроси юзасидан туманда йўл қўйилган камчиликлар ҳам кўриб чиқилди, бу борада тегишли қарор қабул қилинди.

Касални яширсанг, иситмаси ошқор қилади

«Қашқадарё» газетасида эълон қилинган «Сайловчилардан мурожаат бўлмади» сарлавҳали мақолада Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг маҳаллий кенгашларидаги фаолиятига холис баҳо берилди

Биродар КИМСАН

Мақолада халқ депутатлари Ғузор туман кенгашидаги ҲХДП депутатлик гуруҳи аъзоси, кенгашнинг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси вакили Қўйли Умаровнинг ажаб-товур фикрлари эълон қилинади.

Қашқадарё вилоят газетаси муҳбири Асрор Аллаёровнинг «Сиз қайси комиссия аъзосисиз?» деган саволига Қ.Умаров қўйилганда «Аҳоли ҳавфсизлиги бўйича комиссия доимий гуруҳи аъзосиман», дея жавоб қайтарди.

— Ваҳоланки, — деб ёзади журналист, — туман кенгашида бундай комиссиянинг ўзи йўқ. Ҳўш, депутат ўзи аъзо бўлган доимий комиссия номини билмаслиги мумкинми?

Депутат жавобидан қоникмаган журналист навбатдаги саволга ўтади. — Комиссияда яна кимлар бор?

— Олти ёки етти киши бўлса керак. Буни комиссия раиси Дилбар Ҳўжақулова билади...

Аммо журналистга Д.Ҳўжақулова ҳам доимий комиссиянинг тўлиқ номини айтиб бера олмайди... Ана шу мақола эълон қилинганидан кейин, оз эмас-кўп эмас, 70 кун ўтиб,

яъни газетанинг 2011 йил 1 июль сонидан туман ҳокими, халқ депутатлари Ғузор туман кенгаши раиси Шомурод Донаевнинг юқоридаги мақолага нисбатан жавоб хати эълон қилинади. Унда Қўйли

ҳудудларда маҳаллий кенгаш депутатларининг ўз зиммаларидаги масъулиятга юзаки эътибор қаратаётганларига амин бўламиз. Бизнингча, асосий муаммо Асрор Аллаёров ёзгани

бўлаётгани, ҳатто бу «дард»ини матбуотга ҳам олиб чиқаётгани партиянинг жойлардаги фаолияти бугунги талаблар даражасида эмаслигини кўрсатиб турибди. Бундан ҳам

ламентдаги фракцияси аъзолари кейинги пайтларда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли эмас, кўпроқ ўрта синф вакиллари манфаатини ҳимоя қилиб «либераллашмаётган партия» номини олаётган бўлса-да, қуйи бўғинлардаги «либераллашув» жараёнлари ҳали поёнига етмаган кўринади. Буни Қўйли Умаровга ўхшаш айрим депутатларнинг касални яширсанг, иситмаси ошқор қилади, қабилидаги фаолияти ҳам кўрсатиб қўймоқда.

Бу эса маҳаллий кенгашлардаги депутатларнинг реал ҳаётдан ўзилиб қолганларидан далолат беради. Зеро, ислохотларнинг янги босқичида сиёсий партиялар фаолияти учун дастуриямал хисобланган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган устувор вазифалар кучли қуйи бўғин, кучли парламент ва кучли партиявий назорат масалаларига қатъий амал қилиш лозимлигини талаб этмоқда. Бу талаб эса бугунги сайловчи учун том маънода бош мезонга айланмоқда. Бундан хатто «либераллашмаётган» партия ҳам тегишли хулоса чиқариб, унга ишонч билдирган электрон таъминлаш баъзан ўйлаб кўрса мақсадга мувофиқ бўларди.

ГАРЧИ ҲХДПНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ИЖТМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ АҲОЛИ ЭМАС, КЎПРОҚ ЎРТА ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ «ЛИБЕРАЛЛАШАЁТГАН ПАРТИЯ» НОМИНИ ОЛАЁТГАН БЎЛСА-ДА, ҚУЙИ БЎГИНЛАРДАГИ «ЛИБЕРАЛЛАШУВ» ЖАРАЁНЛАРИ ҲАЛИ ПОЁНИГА ЕТМАГАН КЎРИНАДИ

Умаров «фаолиятига доир мақола» комиссия аъзолари иштирокида муҳокама қилиниб, комиссия раиси Дилбар Ҳўжақулова оғохлантирилгани алоҳида таъкидланади. Шунингдек, чоп этилган ана шу хатда «депутат Қўйли Умаровнинг ушбу мақолада кўтарилган масалалар ва депутатлик фаолияти бўйича ахбороти туман кенгашининг навбатдаги сессиясида эшитилиши белгиланган бўлиши билан кенгашида депутатлар томонидан бу каби хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслиги учун барча зарур чора-тадбирларни кўриб боради» дейилади.

Юқорида тилга олинган мақола ва туман ҳокимининг жавоб хатини қайта-қайта ўқир эканмиз, ҳалигача айрим

деқ, ҲХДП депутатларининг ўзлари фаолият олиб бораётган доимий комиссия номини билмаганларида эмас. Бунда асосий масала Қ.Умаровнинг ҳар ойнинг биринчи шанбасида «Мехнатобод» қишлоқ фуқаролар йиғини биносидан сайловчиларни қабул қилиш учун ҳозирлик кўрганию, аммо унга ҳалигача бирон-бир фуқаро мурожаат қилмаганида бўлса керак. Чунки бу тўғридан-тўғри сайловчининг депутатга ва депутат номзодини кўрсатган сиёсий партияга, яъни ҲХДПга бўлган ишонч билан боғлиқдир. Лекин нима бўлганда ҳам ҲХДПнинг Ғузордаги бир депутати қачон қабулимга сайловчи келар экан, дея шунчалар жиғибийрон

ёмони, ўз партиядошининг «бу каби хато ва камчиликларига» мурокасиз эканини ошқор қилаётган ҳоким мазкур масалани туман кенгаши сессиясига киритилганини «буюк» бир кашфиётдек эътироф этмоқда.

Маълумки, бугун мамлакатимизда сиёсий партияларга шунчалар кенг ваколатлар берилдики, буни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган долзарб масалалар, парламент эшитувларида тизимли йўлга қўйилган таҳлиллар, партиялар фракцияларида йирик соҳа ва тизим мутасаддиларининг фаолияти атрофида кўриб чиқилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Гарчи ҲХДПнинг пар-

Хўжалик тадбиркор ва ишбилармонлар! ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРАЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАЛАД! МАРКАЗИ

нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятининг турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Феалиятингизда бирор муаммо назорат қилса, сизга иккиламай бизга мурожаат этинг!

Маҳкам: Мирзо Улғабек тумани, Қорасу 6 даҳаси 10-й. Тел: 0 (371) 265-80-40; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru



Ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш энг устувор масаладир

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги тамойилига қатъий амал қилингани, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка фуқаролар бандлигини таъминлаш, барқарор даромад манбаини шакллантиришнинг асосий омили сифатида қаралгани учун ҳам бугун аҳолининг 74,5 фоизи айнан мазкур соҳада меҳнат қилмоқда

Бу, биринчи навбатда, тадбиркорликка оид ҳуқуқий база шаклланиши, соҳа вакилларига турли имтиёз ва имкониятлар яратилгани натижасидир. Хўш, ўтган йилларда мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилган ишлардан қандай хулосалар чиқариш мумкин? Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар қандай реал натижалар бераёпти? Мухбиримиз Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш департаменти директори Ақтам САЙФУЛЛАЕВга шундай саволлар билан муносабат қилди.

— Бошқа соҳаларда бўлганидек, банк тизимида ҳам мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилгани натижасида мулкдорларга банк хизматлари кўрсатиши шаклланиши, ўрта қатламга кенг имкониятлар яратилиши, энг аввало, соҳадаги ижобий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Хусусан, бугун амалдаги тартибларга кўра, кредит олувчининг мурожаати нисбатан кўра кўра қўлқўлдан кўриб чиқилаёпти. Бунда яқин тартибдаги тадбиркорлик субъекти учун 2 та, юридик шахслар учун эса бор-йўғи 3 та ҳужжат талаб этилади. Бу ўзбекистонда кичик бизнес субъектига кредит-

ўсиб, 2,7 трлн. сўмга етгани ҳам соҳага молиявий кўмак бериш бўйича ҳуқуқий базанинг такомиллашганлигидан далolat эканини таъкидлаш жоиз. Энг асосийси, ана шу маблагнинг 485,2 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, мазкур кўрсаткичнинг 2000 йилга нисбатан ўсиши 39 баробарни ташкил этди.

Бундан ташқари, Марказий банк ва унинг барча ҳудудий Бош бошқармалари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида юзага келадиган мавжуд муаммоларни жойида ўрганиш, тадбиркорларга мунтазам маслаҳатлар бериб боришга алоҳида эътибор қаратилаётгани хусусида тўхталиб ўтиш лозим.

Зеро, тадбиркорлар ва банклар ўртасида юзага келаётган масалаларни зудлик билан ҳал қилиш, банкларнинг миқдор учун бекаму кўст хизмат кўрсатишини таъминлаш мақсадида Марказий банк ҳамда унинг ҳудудий Бош бошқармалари ва барча тижорат банкларида "ишонч телефон"лари мунтазам ишлаб турибди.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

дорида кредитлар берилди. Шундан 399,6 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, бу кўрсаткич ҳам 2010 йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробарга ўсди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида кичик бизнес субъектига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш-

лантиришга 61,4 млрд. сўм, асарчилик ва балиқчиликни ривожлантириш учун 7,2 млрд. сўм миқдорда кредит маблаглари ажратилди.

Кичик бизнес субъектига халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан 64,3 млн. АКШ доллари миқдордаги маблаглар йўнал-

лий ҳокимликлар ҳамда бошқа тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалий учрашув ва семинарларни изчил ташкил этиш йўлга қўйилди.

Хусусан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси билан республикамизнинг барча минтақалари, шу

кистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг "Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури, шунингдек, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросининг бориши тўғрисида"ги ҳисоботи ҳақида"ги қўшма қарорининг банк тизимидаги ижросини таъминлаш юзасидан барча чора-тадбирлар изчил амалга оширилаётганини айтиш керак.

Албатта, 2011 йилнинг биринчи ярмида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларига бағишланган ҳукумат мажлисида банк тизими олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектларининг, энг аввало, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турганларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш учун кредит ресурсларига бўлган асосланган эҳтиёжларини тўлиқ ҳажмида таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, кредитлар ажратиш бўйича прогноз кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилганини таъкидлаш лозим.

Шунга кўра, Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича белгиланган йиллик 3 трлн. 556 млрд. сўм прогноз қўшимча равишда яна 209,5 млрд. сўм кредитлар ажратиши кўзда тутилиб, соҳага йил якунига қадар ажратиладиган кредитлар ҳажмини 3 трлн. 765 млрд. сўмга етказиш чоралари кўрилоқда.

Бунда асосий эътибор бошланғич сармояни шакллантириш, инвестиция мақсадларига узоқ муддатли кредитлар ажратиш кенгайтириш, соҳа субъектларининг халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш лойиҳаларини, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилди.

Шу билан бирга маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда давлат рўйхатидан ўтиб, маълум сабабларга кўра ўз фаолиятини амалга оширолмаётган тадбиркорлик субъектлари хатловдан ўтказилиб, улар фаолиятини тиклашга кўмаклаштириш юзасидан ҳам зарур чоралар кўрилоқда.


Бу борадаги тегишли ишлар, биринчи навбатда, Жиззах, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида амалга оширилди ва ушбу вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда мазкур ҳудудларда фаолият кўрсатмаётган хўжалик субъектлари ишини йўлга қўйиш мақсадида қатъий чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бунинг учун мазкур вилоятларда фаолият кўрсатмаётган 154 та тадбиркорга фаолиятини йўлга қўйиш учун қарий 2 млрд. сўм миқдорда бошланғич капитални шакллантиришга кредитлар ажратилиши таъминланди.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, республика банк тизимида иқтисодиётимиз ривожини, халқ фаровонлигининг ошиши ва аҳоли турмуш даражасининг ўсиши йўлида изчил чоралар кўрилоқда.

2010 йил I ярим йиллик



2011 йил I ярим йиллик



□ узоқ муддатли кредитлар
■ қисқа муддатли кредитлар

гагина 164,7 млрд. сўмлик кредитлар берилди, "Микрокредитбанк" томонидан эса тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ривожлантириш учун 88,2 млрд. сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини қарорлари талабларидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари томонидан озик-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жами 821,2 млрд. сўмлик кредит маблаглари ажратилди.

Шу ўринда аҳоли бандлигини ошириш, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш учун 16,6 млрд. сўм, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш ва олган билимларини

тирилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Давлат дастурида бошланғич сармояни шакллантириш, инвестиция мақсадларига ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш вазифалари белгилаб берилган эди. Бу борада қандай чоралар кўрилоқда?

— Агар аввалги йилларда бошланғич капитал учун кредит ажратиш билан асосан "Микрокредитбанк" шугулланган бўлса, жорий йилда барча тижорат банклари ўзларининг кредитлаш фаолиятида асосий эътиборни ушбу масалага қаратдилар.

Биргина жорий йилнинг ўтган ярим йилида кичик бизнес субъектларининг бошланғич сармоясини шакллантириш учун жами 186,5 млрд. сўм миқдорда кредит маблаглари ажратилди.

Тадбиркорлик субъектига инвестиция мақсадлари ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш ҳамда технология янгилаш учун узоқ ва ўрта муддатли кредитлар ажратишнинг ҳолати хусусида гапирганда, ушбу йўналишга 1 трлн. 306 млрд. сўм миқдорда узоқ муддатли кредитлар ажратилиб, уларнинг жами соҳага ажратилган кредитларнинг умумий ҳиссаси 63,8 фоизни ташкил этганини қайд этиш ўринли.

— Жойларда банк хизматлари бўйича яратилган қулайликларни тарғиб қилиш, мугасадди идоралар билан ҳамкорлик масалаларини етарли даражада, дейиш мумкинми?

— Албатта, ўз бизнесини ташкил этишни хоҳлаган ҳар бир фуқарони мавжуд шароитлар, берилган имтиёزلардан хабардор этиш мумкин аҳамият касб этди. Ана шунини инобатга олган ҳолда, Марказий банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан яратилган имтиёزلар, шарт-шароитларни тушунтириш мақсадида жойларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, маҳал-

жумладан, энг чека ҳисобланган Томди, Бойсун, Бахмал ва Бўка каби туманларда тадбиркорлар билан оқиб мулоқотлар ўтказилди.

Шу билан бирга жорий йилнинг 9-10 август кунлари Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Шеробод, Шўрчи ва Олтинсой туманларида, 16-17 август кунлари Хоразм вилоятининг Хазорасп, Богот, Қўшқўпри ва Шовот туманларида ана шундай тадбирлар ўтказилди, 23-24 август кунлари эса Жиззах вилоятининг Зарбод, Зомин, Бахмал ва Жиззах туманларидаги тадбиркорлар билан учрашди. Савдо-саноат палатаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилаёпти.

Бундан ташқари, бир қатор тижорат банклари "Келажак овози" ёшлар ташаббуси маркази томонидан амалга оширилаётган "Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш" дастури ижросида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан, дастур асосида ташкил этилган "Ёш тадбиркорлар учун ўқув маркази" қатнашчилари учун кредитлаш амалиётлари бўйича ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.


Мухим тадбирлардан яна бири бу — Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари томонидан вилоят ҳокимлари ўринбосарлари билан келишилган ҳолда ҳар бир туман (шаҳар) ва қишлоқ (маҳалла) фуқаролари йиғинларига тижорат банкларининг ҳудудий бошқармалари (филиаллари) ва туман (шаҳар) филиаллари раҳбар ходимларининг оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун қўллаб-қувватлаш учун масъул этиб бириктирилганлиги ва улар томонидан фуқаролар йиғинларида амалий учрашувлар ташкил этилаётганидир. Бундан кўзланган мақсад оилавий бизнес билан шугулланиш истагида бўлган фуқароларга банк хизматлари кўрсатиш, кредитлар ажратиш шартлари бўйича батафсил тушунтиришлар беришдан иборатдир.

— Сухбатимиз якунида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида келгусидаги режалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Албатта, тадбиркорликка молиявий кўмак беришда Марказий банкнинг асосий эътибори, энг аввало, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга қаратилишини таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга Ўзбе-

2000-2010 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ва микрокредитлар тўғрисида МАЪЛУМОТ



лар ажратиш тизими жаҳон амалиётига нисбатан бир мунча соддалаштирилганини кўрсатади.

Шунингдек, кичик бизнес вакилларининг микромолиявий хизматларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш учун микромолиявий хизматлар кўрсатишнинг ягона тизими барпо этилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан, 2006 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Микромолиялаш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниб, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи тузилмалар учун хизмат кўрсатишнинг соддалаштирилган қоидалари белгилаб берилди.

Шу ўринда 2010 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектига ажратилган кредитлар ҳажми 2000 йилга нисбатан 26 баробарга

йили" Давлат дастури доирасида кредитлар ажратиш бўйича белги-ланган параметрларнинг ижроси юзасидан кўри-лаётган чора-тадбирлар қандай натижаларни бер-моқда?

— Дастур ва унинг ижроси ҳақида сўз боргани-да, энг аввало, "Банклар — тадбиркорларнинг ҳамкo-ри ва ишончли таянчи!" шioriга амал қилаётган тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъект-лари лойиҳаларини молия-лаштириш учун жорий йилда 3 трлн. 556 млрд. сўмдан ортиқ кредитлар ажратилиши кўзда тутил-ганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, 2011 йилнинг I ярмида тижорат банклари томонидан соҳа субъект-ларига барча манбалар ҳисобидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп, яъни 2 трлн. 49 млрд. сўм миқ-

ни амалиётда қўллашга кўмаклаштириш мақсадида 12,3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилгани банкларнинг аҳоли банд-лиги масаласига алоҳида эътибор қаратаётганларини кўрсатади.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришга доир 2008 йил 21 апрелдаги қарори доирасида шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш учун 29,7 млрд. сўмлик кредитлар ажратилгани реал натижалар бераётганини қишлоқ аҳолиси алоҳида эътироф этаёпти.

Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан 2011 йилнинг I ярмида мева-сабзавотчиликни ривожлантиришга 18,6 млрд. сўм, чорвачиликни ривож-лантиришга 71,1 млрд. сўм, паррандачиликни ривож-

Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги халқаро миқёсда эътироф этилди

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада ◀◀

Айни пайтда дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатларининг сезиларли пасайиши, айрим ривожланган давлатлар ва йirik молия институтларининг рейтинг баҳолари тушиши кузатилаётган бир вақтда, нуфузли халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимиз банк тизими "барқарор" деб баҳолашни соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасининг яна бир яққол ифодасидир.

Мамлакатимизда банк тизими ҳукумат томонидан доимий равишда қўллаб-қувватланиши, Республика Марказий банки томонидан самарали назорат ўрнатилганлиги ҳамда банклар капиталлашув даражасининг юқорилиги Ўзбекистон банк тизими "барқарор" рейтинг баҳоси берилишига муҳим замин яратди.

"Мудис" агентлиги экспертлари фикрича, охириги йилларда айрим мамлакатларнинг банк тизими оғир молиявий аҳволга тушган бир вақтда Ўзбекистон банкларининг юқори рейтинг баҳоларини олиши мамлакатдаги макроиқтисодий муҳитнинг барқарорлиги ва молиявий кўрсаткичларнинг мунтазам юқори суръатларда ўсиш тенденциясига эга эканлигини яққол намойён этади.

Хусусан, сўнгги йиллар давомида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг барқарор ра-

«МУДИС» АГЕНТЛИГИ
ЭКСПЕРТЛАРИ ФИКРИЧА,
ОХИРИГИ ЙИЛЛАРДА АЙРИМ
МАМЛАКАТЛАРНИНГ БАНК
ТИЗИМИ ОҒИР МОЛИЯВИЙ
АҲВОЛГА ТУШГАН БИР ВАҚТДА
ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИНИНГ
ЮҚОРИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАРИНИ
ОЛИШИ МАМЛАКАТДАГИ
МАКРОИҚТИСОДИЙ МУҲИТНИНГ
БАРҚАРОРЛИГИ ВА МОЛИЯВИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ МУНТАЗАМ
ЮҚОРИ СУРЪАТЛАРДА ЎСИШ
ТЕНДЕНЦИЯСИГА ЭГА
ЭКАНЛИГИНИ ЯҚҚОЛ НАМОЁН
ЭТАДИ.

вишда ўсиши таъминланмоқда ва Агентлик прогно-зига кўра, ижобий савдо баланси ва давлат инвестициялари тўғрисида 2011-2012 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 7 фоиздан кам бўлмайд. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, яратилган қулай макроиқтисодий шарт-шароит мамлакат банк тизимида ижобий таъсир кўрсатиб, депозитлар ҳажмининг ошиши ва банк кредитларига бўлган талабнинг кўпайишига замин яратибганлиги таъкидланади.

Эришилган молиявий ва макроиқтисодий барқарорлик, инвестициялар ва аҳоли жамғармалари ҳажмининг йил сайин кўпайиб бораётганлиги республика банк тизимининг тобора мустаҳкамланаётганидан далolat беради. Хусусан, 2010 йилда мамлакатимиз тижорат банкларининг жами капитали 1,4 баробар ошди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи умумқабул қилинган халқаро стандартларга нисбатан 3 баробар юқори бўлиши таъминланди.

Аҳолининг бўш пул маблагларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш чоралари кўрилаётгани, қулай омонат турлари тақдир этилаётгани, фуқароларнинг банклардаги жамғармалари қонун билан қафолатлангани натижасида омонатлар миқдори 2009 йилга нисбатан 52,6 фоизга ошди.

Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми 34,8 фоизга кўпайди. Банкларнинг умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга берилган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Қайд этиш жоиз, 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 тижорат банки "Мудис", "Стандарт энд Пурс", "Фитч рейтингс" халқаро рейтинг агентликларининг "барқарор" рейтинг баҳосини олган бўлса, 2011 йилга келиб халқаро рейтинг баҳосига эга тижорат банклари сони 18 тага етди, шундан 15 тасининг "барқарор" рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди ва қўшимча 3 та банкка янгидан рейтинг баҳоси берилди.

Айни пайтда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, "Асака банк", "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Агробанк" 2 тадан етакчи рейтинг агентликлари-нинг баҳосига эга. Яна 6 та тижорат банк рейтинг агентликлари билан ўз фаолиятини баҳолаштириш бўйича келишувларга эга ва рейтинг баҳосини олиш ишлари ташкил қилинган.

Халқаро ташкилот мутахассислари яқин келажакда Ўзбекистон банклари ликвидлигига ҳеч қандай хавф қўтилмаётганлигини, халқаро молия бозорларидаги ўзгаришлар мамлакатимиз банклари ликвидлигига салбий таъсир ўтказмаётганини таъкидламоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимиз банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаб, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларни халқаро мезонлар асосида баҳолаш тизими-ни такомиллаштириш ишлари амалга оширил-моқда.

«ШҮҮРТАННЕФТГАЗ»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

*Ватандошларимизни
энг улғу, энг азиз байрам ~
муствақилтимизнинг
20 йиллиги билан
қизинг муборакбод эшадди!*

**Жаннатмакон
ўлкамизнинг бугунги
осуда ҳаётига кўз
тегмасин.
Хонадонларингизга
тинчлик-хотиржамлик,
қут-барака
тилаймиз.**



O'ZSANOATQURILISHBANK

**Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами
Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги билан
чин дилдан қутлайди!**

ХАЛҚИМИЗГА БАЙРАМ АРАФАСИДА ЯНГИ ОМОНАТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

T/p	Омонат (депозит) номи	Муддати	Шартлари
Миллий валютадаги омонатлар			
1	"Мустақиллиқнинг 20 йиллиги"	45 кун	Фоиз даромади 45 кундан сўнг туланади
2	"Баркамол-1"	3 ой	Фоиз даромади ҳар ой туланади
3	"Юксалиш"	30 ой	Фоиз даромади ҳар ой туланади
4	"Ҳамкорлик"	1 йил	Фоиз даромади ҳар ой туланади
5	"Лидер"	6 ой	Фоиз даромади ҳар ой туланади
Хорижий валютадаги омонат			
1	"Манфаат-2"	7 ой	Фоиз даромади 6Б курси бўйича туланади

www.uzpsb.uz

TURON BANK

**Жаннатмакон диёримиз аҳли ва меҳмонларини,
барча тadbirkorларни
Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги
билан табриклайди. Шу шодиёна кунларда
меҳнатсевар халқимизга сиҳат-саломатлик,
оилавий тинчлик, эзгу ва хайрли ишларида
омад тилайди.**

ОАТ Туронбанкнинг Тошкент шаҳрида Чилонзор ҳамда Хамза филиаллари ишга туширилди. Шу муносабат билан тadbirkorларимизни ва юртдошларимизни ҳамкорликка таклиф қиламиз. Ушбу филиалларда ҳар бир мижоз юқори сифатли банк хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Мазкур филиаллар зарур ускуналар ва энг янги банк технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, мижозларга намунали хизмат кўрсатиш учун қулай шароитлар яратилган.

Банк Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятлари ва минтақаларида 17 та филиал ва 150 дан ортиқ бўлимларга эга.

«Ahor-Reyting» РА Туронбанкнинг рейтингини «UzB++» даражасида, «Ижобий» прогнози билан тасдиқлади.

Туронбанк Сизнинг яқин ҳамкорингиз!

Байрамингиз муборак бўлсин!

«АГРОБАНК»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

**барча юртдошларимизни яқинлашиб
келаётган энг улуг ва энг азиз байрамимиз —**

**ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
20 ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади!**

**Тинчлик, фаровонлик, аҳиллик
юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин!**